В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

АДАШЕВ ЖОБИР КОДИРОВИЧ

НИЛПОТЕНТ ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ЕЧИМЛИ ВА МАРКАЗИЙ КЕНГАЙТМАЛАРИ ВА БЕРИЛГАН ХАРАКТЕРИСТИК КЕТМА-КЕТЛИККА ЭГА КОШУЛ МАЪНОСИДА ҚЎШМА АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАРИ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

УДК: 512.554.1

Докторлик (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата докторской (DSc) диссертации

Contents of the Doctoral (DSc) Dissertation Abstract

В.И.РОМАНОВСКИЙ НОМИДАГИ МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

МАТЕМАТИКА ИНСТИТУТИ

АДАШЕВ ЖОБИР КОДИРОВИЧ

НИЛПОТЕНТ ЛЕЙБНИЦ АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ЕЧИМЛИ ВА МАРКАЗИЙ КЕНГАЙТМАЛАРИ ВА БЕРИЛГАН ХАРАКТЕРИСТИК КЕТМА-КЕТЛИККА ЭГА КОШУЛ МАЪНОСИДА ҚЎШМА АЛГЕБРАЛАРИНИНГ ТАСНИФЛАРИ

01.01.06 – Алгебра

ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ–2021

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2021.2.DSc/FM73 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация В.И.Романовский номидаги Математика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (http://kengash.mathinst.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида(www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий маслаҳатчи:	**Омиров Бахром Абдазович** физика-математика фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Аллаков Исмаил** физика-математика фанлари доктори, доцент
	Кудайбергенов Каримберген Кадирбергенович физика-математика фанлари доктори, профессор
	Эшматов Фарход Хасанович физика-математика фанлари доктори, катта илмий ходим
Етакчи ташкилот:	**Самарқанд давлат университети**

Диссертация ҳимояси В.И.Романовский номидаги Математика институти ҳузуридаги DSc.02/30.12.2019.FM.86.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « 28 » октябр соат 17:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40, e-mail: uzbmath@umail.uz, Website: www.mathinst.uz).

Диссертация билан В.И.Романовский номидаги Математика Институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (122–рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси, 9-уй. Тел.: (+99871)-207-91-40).

Диссертация автореферати 2021 йил « 15 » октябр куни тарқатилди.
(2021 йил « 15 » октябрдаги 2-рақамли реестр баённомаси).

У.А. Розиков
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., профессор

У.У.Жамилов
Илмий даражалар берувчи Илмийкенгаш илмий котиби, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

А.Р.Ҳаётов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раис ўринбосари, ф.-м.ф.д., катта илмий ходим

КИРИШ (докторлик диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Бутун дунёда математиканинг турли соҳаларида олиб борилган кўплаб илмий ва амалий тадқиқотлар аксарият ҳолларда квант механикасининг элементар зарралар, иқтисодий муаммолар ва аҳоли биологиясини таҳлил қилиш каби масалаларга келтирилади. Ассоциатив бўлмаган алгебраларнинг муҳим турларидан бири Ли алгебралари бўлиб, бундай алгебралар XIX аср охирларида Ли группаларини ўрганиш билан боғлиқ натижалар орқали пайдо бўлган, ҳамда ноассоциатив алгебралар назариясини ўрганишда алоҳида аҳамиятга эга. Шуни таъкидлаш керакки, дастлаб Ли алгебралари «инфинитезимал группалар» атамаси билан юритилиб, Ҳ.Вейлнинг ишларидан кейингина бундай алгебралар Ли алгебралари деб номлана бошлаган. Ли группалари ва Ли алгебралари назарияси ўзаро чамбарчас боғлиқ бўлганлиги учун улар узоқ вақт давомида параллел равишда ривожланиб келмоқда. Масалан, Ли группасининг соддалиги, нилпотентлиги ва ечимлилиги каби хусусиятлар мос равишда Ли алгебраси учун ҳам ўхшаш хусусиятларни келтириб чиқаради. Физиканинг турли соҳаларида, квант механикасида ва математиканинг бошқа соҳаларидаги кўплаб тадқиқотлар билан боғлиқ муаммоларни ҳал этишда Ли алгебралари Ли группаларидан мустақил равишда замонавий алгебранинг муҳим йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Ҳозирги вақтда алгебраик объектларни тадқиқ этишда бирор майдон устида берилган маълум ўлчамли алгебралар кўпхилликларини ёки А.Г.Курош термини бўйича элементар алгебралар синфини аниқлаш муҳим аҳамият касб этмоқда. Алгебраик кўпҳилликларга мисол қилиб коммутатив алгебралар, ассоциатив алгебралар, Ли алгебралари, Йордан алгебралари ва сўнгги йилларда ривожланаётган Лейбниц алгебралари кўпҳилликларини келтиришимиз мумкин. Таъкидлаш лозимки, чекли ўлчамли Ли алгебралари назариясининг кўплаб классик натижалари Лейбниц алгебралари учун ҳам ўринли бўлади. Берилган алгебралар кўпҳиллигини алгебраик таснифлашдан фарқли ўлароқ чекли ўлчамли Лейбниц алгебралар кўпхиллигини геометрик таснифлашга ва уларнинг чизиқли алгебраик группа таъсирида келтирилмас компоненталарини топишга келтирилади. Бу борада: бирор майдонда берилган ҳар қандай чекли ўлчамли Лейбниц алгебрасини ўлчами алгебра ўлчамининг кубига тенг бўлган аффин алгебраик кўпхиллиги нуқтаси сифатида қараб, берилган группа таъсири остидаги Лейбниц алгебраларининг изоморф синфларига мос келувчи ушбу нуқта орбитасини топиш ва барча орбиталарни таснифлаш мақсадли илмий тадқиқотлардан ҳисобланади.

Мамлакатимизда фундаментал фанларнинг илмий ва амалий татбиқига эга долзарб йўналишлардан бири бўлган чекли ўлчамли Ли ва Лейбниц алгебраларининг структуравий назариясини тадқиқ этишга алоҳида эътибор кучайтирилди. Маълумки, Ли алгебраларининг учта асосий синфлари мавжуд бўлиб, улар ярим содда, ечимли ва ярим содда ҳам ечимли ҳам бўлмаган Ли алгебраларидир. Леви-Малцев теоремасига кўра, учинчи синфга тегишли алгебралар ярим содда ва ечимли алгебраларнинг ярим тўғри йиғиндисидан иборат бўлади. Ярим содда Ли алгебраларининг таснифи Картан томонидан тўлиқ ҳал қилинган бўлиб, улар содда идеалларнинг тўғри йиғиндисига ажралади. Шундай қилиб, Ли алгебраларининг асосий учта синфлардан иккинчиси ҳисобланган ечимли алгебраларни таснифлаш масаласи ўта долзарб муаммога айланган. Г.М.Мубаракзянов томонидан таклиф қилинган методга кўра, чекли ўлчамли ечимли Ли алгебраларини уларнинг максимал нилпотент идеаллари ва ушбу идеалларнинг ташқи дифференцаллашлари орқали ҳосил қилиш мумкин. Ушбу методдан ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлашда ҳам қўллаш мумкинлиги исботланган бўлиб, бунда элементга ўнгдан кўпайтириш оператори ечимли Лейбниц алгебраси нилрадикалининг нил-эркли дифференциаллаши эканлиги муҳим рол ўйнайди. Охирги йилларда ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлашга ва уларнинг кичик тартибли когомологик группаларини топишга оид салмоқли натижаларга эришилди. «Алгебра, сонлар назарияси ва функционал анализ» фанларининг устивор йўналишлари бўйича халқаро стандартлар даражасида илмий тадқиқотлар олиб бориш математика фанининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгиланди[1]. Қарорнинг ижросини таъминлашда илмий натижалардан илм-фаннинг турдош соҳаларида фойдаланиш мақсадида чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларининг структуравий назариясини қуриш ва алгебралар кўпхиллигидаги орбиталари очиқ бўлган алгебраларни аниқлаш муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича харакатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2019 йил 9 июлдаги ПҚ-4387-сон «Математика таълими ва фанларини янада ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг В.И.Романовский номидаги Математика институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ва 2020 йил 7 майдаги ПҚ-4708-сон «Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Математика, механика ва информатика» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 18 майдаги «Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг янгидан ташкил этилган илмий-тадқиқот муассасалари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 292-сон қарори

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. Ассоциатив бўлмаган алгебраларнинг структуравий назарияси ва уларнинг когомологик хусусиятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар кўплаб илмий марказлар ва хорижий мамлакатларнинг университетлари, жумладан, Севиля университети, Кадис университети, Сантяго де Компостела университети, Мадрид Комплутенсе университети, Экстремадура университети (Испания), Вена университети (Австрия), Лоранд Этвеш университети (Венгрия); Сан-Диего университети, Толедо университети, Шимолий Каролина университети (АҚШ); Шарқий Хитой педагогика университети (Хитой); Новосибирск давлат университети, Сибир Федерал университети (Россия); Малайзиянинг Путра университети (Малайзия); Математика ва математик моделлаштириш институти, Қозоғистон-Британия техника университети (Қозоғистон); Санта-Катарина федерал университети, Сан-Паулу университети (Бразилия), Порту университети (Португалия) ва бошқалар томонидан олиб борилмоқда.

Охирги йилларда Лейбниц алгебраларининг марказий кенгайтмалари ва орбиталарини топишга, ҳамда нилрадикали берилган ечимли Лейбниц алгебраларининг таснифларига оид қатор долзарб масалалар ечилган ва муҳим натижаларга эришилган. Жумладан: уч ва тўрт ўлчамли Ли ва Лейбниц алгебраларининг геометрик таснифлари олинган (Гейнрих Гейне номидаги Дюсселдорф университети ва Бонн университети, Германия); нилрадикали нол-филиформ ва табиий усулда градуирланган филиформ алгебрасидан иборат бўлган ечимли Лейбниц алгебраларининг таснифи олинган ва когомологик группалари ҳисобланган (Сантяго де Компостела университети ва Мадрид Комплутенсе университети, Испания); Лейбниц алгебраларининг иккинчи тартибли когомологик группалари тривиаллигидан бундай алгебраларнинг қаттиқ бўлиши келиб чиқиши исботланган (Жасси-Париж Рив Гош номидаги Математика институти, Франция); нилрадикали Гейзенберг алгебраси ва иккинчи типдаги квази-филиформ Лейбниц алгебрасидан иборат бўлган ечимли Лейбниц алгебраларининг таснифи олинган (Бекли давлат университети, Ғарбий Виржиния университети, Толедо университети, АҚШ); Содда ва яримсодда Лейбниц алгебраларининг когомологик группалари нолга тенг эканлиги исботланган (Жанубий Алабама университети, АҚШ ва Нант университети, Франция), комплекс сонлар майдони устида берилган чекли ўлчамли Лейбниц алгебралари ярим содда Ли алгебраси ва унинг ечимли радикалининг ярим тўғри йиғиндиси кўринишида ёйиш мумкинлиги исботланган (Сидней университети, Австралия).

Дунёда сўнги йилларда чекли ўлчамли ечимли Лейбниц алгебраларининг структуравий назариясини қуриш ва уларни татбиқ этиш бўйича қатор илмий изланишлар, хусусан нилрадикаллари берилган ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлаш; кичик ўлчамдаги Лейбниц алгебраларининг орбиталарини ёпилмасини топиш ва келтирилмас компоненталарни аниқлаш; ихтиёрий чекли ўлчамли Лейбниц алгебралари кўпхиллигида қаттиқ алгебраларни топиш; Лейбниц алгебраларининг дифференциаллашлари ва инфинитезимал деформацияларини таснифлаш; ечимли Лейбниц алгебраларининг когомологик группаларини ҳисоблаш каби устувор йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Лейбниц алгебралари дастлаб А.М.Блох томонидан D-алгебралар номи остида киритилган бўлиб, кейинчалик, Ж.Л.Лоде Ли алгебраларининг антикоммутатив бўлмаган аналоги сифатида худди шундай айниятни қаноатлантирувчи алгебраларни аниқлаган ва Готфрид Вилгелм Лейбниц шарафига уларни Лейбниц алгебралари деб номлаган. Ҳозирги пайтда Лейбниц алгебралари учун Ли алгебралари назариясидаги кўплаб классик теоремаларнинг аналоглари исботланган. Хусусан, Д.Барнснинг ишида Лейбниц алгебралари учун Леви теоремасининг аналоги бўлган ҳар қандай чекли ўлчамли комплекс Лейбниц алгебрасини ечимли радикал ва ярим содда Ли қисм алгебрасининг ярим тўғри йиғиндисига ёйиш мумкинлиги исботланган. Шу сабабли, чекли ўлчамли комплекс Лейбниц алгебраларининг тузилишини тадқиқ этишда асосий муаммо бу – ечимли қисмнинг таснифи ҳисобланади. Ш.А.Аюпов, Х.М.Анкоче-Бермудес, М.Ладра, Ж.М.Касас, Л.М.Камачо, К.Мисра, Б.А.Омиров, И.С.Рахимов, А.Х.Худойбердиев, А.Шабанскаяларнинг ишларида нилрадикали Абел алгебраси, Гейзенберг алгебраси, нол-филиформ, филиформ, квази-филиформ Лейбниц алгебраси бўлган ечимли Лейбниц алгебраларининг таснифлари олинган.

Ечимли Лейбниц алгебраларининг тузилиш назариясидан уларнинг когомологик хоссаларини тадқиқ қилишда муҳим рол ўйновчи қаттиқ алгебраларни топишда фойдаланилади. Ли ва Лейбниц алгебралари кўпхиллиги, уларнинг деформациялари, ҳамда когомологик группалари Д.Балавуан, А.Мандал, А.Нейенхейс, Р.Ричардсон, Д.В.Миллионщиков ва А.Фиаловскиларнинг ишларида ўрганилган бўлиб, Лейбниц алгебрасининг иккинчи тартибли когомологик группаси нолга тенг эканлигидан унинг қаттиқ алгебралиги келиб чиқиши исботланган ва чекли ўлчамли Лейбниц алгебралари кўпхиллигидаги бир қанча келтирилмас компоненталар топилган.

Шунингдек, ушбу диссертацияда В.Гинзбург, М.Капранов ва Ж.Л.Лоделарнинг ишларида келтирилган Лейбниц алгебралари учун Кошул маъносида қўшма бўлган алгебраларнинг берилган характеристик кетма-кетликка эга синфларини таснифлашга оид масалалар ечилган. Ж.Л.Лоденинг ишларида Лейбниц алгебраларининг Кошул маъносидаги қўшма алгебралари учун айният топилиб, кейинчалик бу айниятни қаноатлантирувчи алгебраларни «Leibniz» сўзининг харфларини тескари тартибда ёзиш орқали «Zinbiel» алгебраси деб номланган. А.С.Джумадильдаев, В.Гинзбург, М.Капранов, Ж.Л.Лоде ва К.М. Туленбаевларнинг ишларида Зинбиел алгебраларининг муҳим хоссалари олинган. Хусусан, А.С.Джумадильдаев ва К.М.Туленбаевларнинг ишида ихтиёрий чекли ўлчамли комплекс Зинбиел алгебрасининг нилпотент бўлиши исботланган. Бундан ташқари, ихтиёрий майдонда берилган чекли ўлчамли Зинбиел алгебралари учун нилпотентлик, ниллик ва ечимлилик индекслари учун баҳолар кўрсатилган. Л.М.Камачо, Э.М.Канете, С.Гомес-Видал, И.А.Каримжанов, Н.Исмаилов, Б.А.Омиров, А.Х.Худойбердиевларнинг ишларида нилпотентлик индекси ва характеристик кетма-кетликларига маълум шартлар берилган Зинбиел алгебраларининг структуравий тузилишлари аниқланган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти В.И.Романовский номли Математика институти илмий-тадқиқот ишлари режасидаги Ф4-ФА-Ф013 рақамли «Операторлар ва ноассоциатив алгебралар, динамик системалар ва уларнинг статистик механика ва популяцион биологияга тадбиқлари» (2012-2016 йиллар), ОТ-Ф4-82+ОТ-Ф4-87 рақамли «Операторлар ва ноассоциатив алгебраларда локал дифференциаллаш ва автоморфизмлар, ночизикли динамик системаларда фаза алмашишлар ва хаос+Евклид ва псевдо-Евклид фазоларидаги эгри чизиқлар ва сиртларнинг глобал инвариантлари назарияси ва унинг механикага татбиқлари» (2017-2019 йиллар) ва ЁФА-Фтех-2018-77 рақамли «Ярим содда ва нилпотент алгебраларининг когомологик группалари» (2018-2019 йиллар) мавзусидаги фундаментал лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади нилпотент Лейбниц алгебраларининг ечимли ва марказий кенгайтмаларини ва Лейбниц алгебраларига Кошул маъносида қўшма алгебраларнинг берилган характеристик кетма-кетликка эга бўлган синфларини таснифлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

l-градуировкали филиформ Лейбниц алгебраларини таснифлаш;

нилрадикали Абел алгебраси бўлган максимал ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлаш;

нилрадикали n-ўлчамли бўлган (2n–1)-ўлчамли ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлаш;

нилрадикали табиий усулда градуирланган p-филиформ алгебраси бўлган ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлаш;

Вирасоро алгебрасининг Лейбниц марказий кенгайтмаларини тривиал бўлишини исботлаш;

нол-филиформ ва табиий усулда градуирланган Ли бўлмаган филиформ Лейбниц алгебраларининг марказий кенгайтмаларини топиш;

Евклид Ли алгебраси билан боғлиқ бўлган Лейбниц алгебраларини таснифлаш;

содда Лейбниц алгебраларининг когомологик группаларини тадқиқ этиш;

нилиндекси n–2 ва характеристик кетма-кетлиги (n–3,2,1) га тенг бўлган табиий усулда градуирланган чекли ўлчамли Зинбиел алгебраларини таснифлаш;

характеристик кетма-кетлиги (n–p,p) га тенг бўлган табиий усулда градуирланган чекли ўлчамли Зинбиел алгебраларини таснифлаш.

Тадқиқотнинг объекти нилпотент, ечимли, ярим содда Лейбниц алгебралари, марказий кенгайтмалар ва Зинбиел алгебраларидан иборат.

Тадқиқотнинг предмети. Нилпотент, ечимли ва ярим содда Лейбниц алгебралар назарияси, Лейбниц алгебраларининг структуравий назарияси, ярим содда Лейбниц алгебраларининг когомологик группалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда чизиқли алгебра усуллари, инвариантлар назарияси усуллари, Лейбниц алгебраларининг структуравий назарияси усуллари, шунингдек, когомологик алгебралар усуллари қўлланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

нилрадикали Абел алгебраси бўлган ечимли Лейбниц алгебралари ва нилрадикали n-ўлчамли бўлган (2n–1)-ўлчамли ечимли Лейбниц алгебраларини таснифланган;

нол-филиформ ва табиий усулда градуирланган Ли бўлмаган филиформ Лейбниц алгебраларининг марказий кенгайтмалари таснифланган ҳамда Вирасоро алгебрасининг Лейбниц марказий кенгайтмаларини тривиал бўлиши исботланган;

Евклид Ли алгебраси билан боғлиқ бўлган Лейбниц алгебралари қурилган ва уч ўлчамли содда Ли алгебраси билан боғлиқ содда Лейбниц алгебрасининг иккинчи тартибли когомологик группасининг тривиаллиги исботланган;

берилган характеристик кетма-кетликка эга табиий усулда градуирланган чекли ўлчамли Зинбиел алгебралари таснифланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси нилрадикали берилган ечимли Лейбниц алгебраларни ўрганишда зарур бўлган нилпотент алгебраларнинг ташқи дифференциаллашлар ёрдамида ечимли Ли ва Лейбниц алгебраларини таснифлаш усулларини баён қилинганлигидан иборат.

Диссертация ишидаги содда Лейбниц алгебраларининг иккинчи когомологик группаларига оид натижалари уч ўлчамли содда Ли алгебраси ёрдамида ҳосил қилинган содда Лейбниц алгебраси билан боғлиқ бўлиб, бу ярим содда Лейбниц алгебраларининг иккинчи тартибли когомологик группасининг тривиаллиги тўғрисида гипотезани ўрнатишга имкон берди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги математик мулоҳазаларнинг қатъийлиги, алгебраларнинг бошқа синфларидаги маълум усулларидан, тасвирлар назарияси ва Ли алгебраларининг структуравий назариясидаги фундаментал натижалардан фойдаланилганлиги билан асосланади. Mathematica 12 математик дастурлаш тилида яратилган махсус дастурлар ёрдамида кичик ўлчамлардаги таснифлаш натижалари текширилди.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишда олинган илмий натижалар бошқа алгебралар кўпхиллигининг кейинги тадқиқотлар учун ишлатилаши мумкинлиги, шунингдек ишлаб чиқилган усуллар ярим содда Лейбниц алгебралари учун Уайтхеднинг иккинчи лемма муаммосини ҳал қилишда фойдаланилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти берилган нилрадикалли ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлаш бўйича олинган натижалар, бошқа нилрадикалли ечимли Лейбниц алгебралари ҳақида гипотезалар яратишга имкон бериши билан изоҳланади. Хусусан, уларни Сноблнинг комплекс майдонда берилган нилпотент Ли алгебралари максимал кенгайтмаларини ягоналиги ҳақидаги гипотезасини исботлашга татбиқ этиш билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нилпотент Лейбниц алгебраларининг ечимли ва марказий кенгайтмалари ва берилган характеристик кетма-кетликка эга Кошул маъносида қўшма алгебраларининг таснифлари бўйича олинган натижалар асосида:

нилрадикали Абел алгебраси бўлган ечимли Лейбниц алгебралари таснифидан №МТМ2016-79661-Р рақамли «Группа ва ноассоциатив алгебраларнинг гомологиялари, гомотопик ва категорик инвариантлари» мавзусидаги хорижий грант лойиҳасида нилрадикали табиий усулда градуирланган p-филиформ ва коўлчами бирга тенг бўлган ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлашда фойдаланилган (Сантяго де Компостела университетининг 2021 йил 20 июлдаги маълумотномаси, Испания). Илмий натижанинг қўлланилиши нилрадикали табиий усулда градуирланган p-филиформ ва коўлчами максимал бўлган ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлашни ва олинган алгебраларнинг тўлалигини ва қаттиқлигини исботлаш имконини берган;

Евклид Ли алгебраси билан боғлиқ бўлган Лейбниц алгебраси таснифидан № ЁФА-Фтех-2018-79 рақамли «Лейбниц алгебраларининг тасвири» мавзусидаги фундаментал лойиҳасида Витт алгебраси билан боғлиқ бўлган Лейбниц алгебраларини таснифлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академиясининг 2021 йил 24 сентябрдаги 2/1255-2620-сонли маълумотномаси). Илмий натижанинг қўлланилиши Витт алгебраси билан боғлиқ бўлган чексиз ўлчамли Лейбниц алгебраларини таснифлашни ва Витт алгебраси билан боғлиқ бўлган Лейбниц алгебраларининг кичик тартибли когомологик группалари тривиаллигини исботлаш имконини берган;

нол-филиформ ва табиий усулда градуирланган Ли бўлмаган филиформ Лейбниц алгебраларининг марказий кенгайтмалари таснифидан хорижий илмий журналлардаги мақолаларда (Communications in Algebra, 2019, 47(1), 173-181; Algebras and Representation Theory, 2021, 24(1), 135-148; Communications in Algebra, 2020, 48(8), 3608-3623) нилпотент ассосимметрик ва антикоммутатив алгебраларнинг марказий кенгайтмаларини тавсифлашда фойдаланилган. Илмий натижанинг қўлланилиши кичик ўлчамдаги ассосимметрик ва антикоммутатив алгебраларни таснифлаш имконини берган;

берилган характеристик кетма-кетликка эга табиий усулда градуирланган чекли ўлчамли Зинбиел алгебралари таснифидан хорижий илмий журналлардаги мақолаларда фойдаланилган (Linear and Multilinear Algebra, 2018, 66(4), 704-716; Communications in Algebra, 2020, 48(1), 204-209; Journal of Siberian Federal University. Mathematics & Physics, 2019, 12(2), 173-184). Илмий натижанинг қўлланилиши комплекс майдонда берилган беш ўлчамли нилпотент Торткара алгебраларининг алгебраик ва геометрик таснифлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 21 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 41 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та илмий мақола, жумладан, 8 таси хорижий ва 8 таси республика журналларида нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, тўртта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 194 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи ва муаммонинг ўрганилганлик даражаси келтирилган, тадқиқот мақсади, вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Француз математиги Ж.Л.Лоде ва унинг шогирдларининг ишларида қуйидагича категориялар диаграммаси келтирилган:

$$\begin{tikzcd}
 & & \chi \arrow[dr] & & \\
 & \mathrm{Dend} \arrow[ur, thick] \arrow[dr] & & \mathrm{Dias} \arrow[dr] & \\
\mathrm{Zinb} \arrow[ur, thick] \arrow[dr] & & \mathrm{As} \arrow[ur, thick] \arrow[dr] & & \mathrm{Leib} \\
 & \mathrm{Com} \arrow[ur, thick] \arrow[dr] & & \mathrm{Lie} \arrow[ur, thick] & \\
 & & \mathrm{Vect} \arrow[ur, thick] & &
\end{tikzcd}$$

бу ерда Zinb, Dend, χ, Com, As, Dias, Vect, Lie, Leib белгилашлар мос равишда Зинбиел, дендриформ, χ-алгебр, ассоциатив-коммутатив, ассоциатив, диассоциатив, Абел Ли алгебра (яъни, ҳамма кўпайтмалари нолга тенг бўлган алгебра), Ли ва Лейбниц алгебралар категорияларини ифодалайди. Берилган диаграммада $A \longrightarrow B$ белги A категорияни B категорияга қисм эканлигини, $A \to B$ белги эса A категориядаги ихтиёрий алгебрада янги кўпайтма аниқласак, у ҳолда ҳосил бўлган алгебра B категорияга тегишли эканлигини билдиради. Хусусан,

ассоциатив алгебралари Ли алгебраларига қуйидаги қоида бўйича ўтади:

$$(As, \cdot\,) \to (Lie, \mathbf{[-,-]}): \qquad [x, y] = x\cdot y - y\cdot x;$$

Зинбиел алгебралари ассоциатив-коммутатив алгебраларига қуйидаги қоида бўйича ўтади:

$$(Zinb, \circ\,) \to (Com, \bullet\,): \qquad x\bullet y = x\circ y + y\circ x;$$

дендриформ алгебралари ассоциатив алгебраларига қуйидаги қоида бўйича ўтади:

$$(Dend, <, >) \to (Ass, \cdot\,): \qquad x\cdot y = x < y + y > x;$$

диассоциатив алгебралари Лейбница алгебраларига қуйидаги қоида бўйича ўтади:

$$(Dias, \dashv, \vdash) \to (Leib, \mathbf{[-,-]}): \qquad [x, y] = x \dashv y - y \vdash x;$$

коммутатив алгебралари Абел Ли алгебраларига қуйидаги қоида бўйича ўтади:

$$(Com, \bullet\,) \to (Vect, \mathbf{[-,-]}): \qquad [x, y] = x\bullet y - y\bullet x;$$

χ-алгебралари диассоциатив алгебраларига қуйидаги қоида бўйича ўтади:

$$(\chi, \nwarrow, \swarrow, \nearrow, \searrow) \to (Dias, \dashv, \vdash): \qquad \begin{aligned} x \dashv y &= x \nwarrow y + x \swarrow y, \\ x \vdash y &:= x \nearrow y + x \searrow y. \end{aligned}$$

Таъкидлаш жоизки, юқоридаги диаграммада келтирилган алгебралар категориялари ассоциатив алгебралар категорияси орқали ўтувчи вертикал жойлашган тўғри чизиққа нисбатан Кошул маъносида қўшма категориялардан иборат бўлади, бундай алгебраларни берилган алгебрага қўшма алгебра дейилади. Бунда χ-алгебралар ва Vect – Абел Ли алгебралар Кошул маъносида ўз-ўзига қўшма алгебралар бўлади.

Чекли ўлчамли Лейбниц алгебралари тадқиқ этишда нилпотент Лейбниц алгебраларининг ечимли ва марказий кенгайтмалари таснифлари жуда муҳимдир, чунки бу таснифлар чекли ўлчамли Лейбниц алгебраларининг Ли алгебрасидаги ўринли хоссалари ва бошқа янги хоссаларини ўрганиш жараёнига хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Градуирланган Лейбниц ва Зинбиел алгебраларининг таснифлари**» деб номланган биринчи бобида зарурий таъриф ва тушунчалар келтирилиб, l-градуирланган филиформ Лейбниц алгебраларининг таснифлари келтирилган.

Биринчи бобнинг биринчи параграфи ёрдамчи характерга эга бўлиб, бу ерда Ли ва Лейбниц алгебралари назарияларига оид маълумотлар келтирилган.

1-таъриф. F майдон устида аниқланган G алгебранинг ихтиёрий x, y, z элементлари учун қуйидаги айниятлар бажарилса,

$[x, x] = 0$ – антикоммутативлик айнияти,

$[[x, y], z] + [[y, z], x] + [[z, x], y] = 0$ – Якоби айнияти,

у ҳолда G алгебра Ли алгебраси дейилади, бу ерда [-,-] – G алгебрада аниқланган кўпайтириш амали.

2-таъриф. F майдон устида аниқланган L алгебранинг ихтиёрий x, y, z элементлари учун қуйидаги Лейбниц айнияти бажарилса,

$$[x, [y, z]] = [[x, y], z] - [[x, z], y],$$

у ҳолда L алгебра Лейбниц алгебраси дейилади, бу ерда [-,-] – L да аниқланган кўпайтириш амали.

Агар Лейбниц алгебрасининг ихтиёрий x и y элементлари учун $[x,y]=-[y,x]$ шарт бажарилса, у ҳолда Лейбниц айнияти Якоби айниятига айланишини осонгина текширимиз мумкин. Шунинг учун Лейбниц алгебралари Ли алгебраларининг умумлашмасидан иборат бўлади.

Ихтиёрий L Лейбниц алгебраси учун қуйидаги ҳосилавий ва қуйи марказий қаторларни аниқлаймиз:

а) $L^{[1]} = L,\ L^{[n+1]} = [L^{[n]}, L^{[n]}]$; б) $L^1 = L,\ L^{n+1} = [L^n, L^1]$.

3-таъриф. Лейбниц алгебраси учун шундай m натурал сон мавжуд бўлиб, $L^{[m]}= \{0\}$ бўлса, у ҳолда L ечимли Лейбниц алгебраси дейилади.

Агар Лейбниц алгебраси учун шундай s натурал сон мавжуд бўлиб, $L^s=\{0\}$ бўлса, у ҳолда L *нилпотент* Лейбниц алгебраси дейилади. Ушбу $L^{s-1} \neq \{0\}$ ва $L^s = \{0\}$ шартларни қаноатлантирувчи энг кичик s сонга L алгебранинг *нилпотентлик индекси* (*нилиндекси*) дейилади.

Лейбниц алгебрасининг максимал нилпотент идеали унинг *нилрадикали* дейилади.

Айтайлик, G – аддитив группа бўлсин. Агар L алгебрани $[L_{g_i}, L_{g_j}] \subseteq L_{g_i \circ g_j}$ шартни қаноатлантирувчи $L = L_{g_1} \oplus L_{g_2} \oplus \cdots \oplus L_{g_k}$ кўринишда ёйиш мумкин бўлса, у ҳолда L алгебра G-градуирланган алгебра дейилади.

Бизга чекли ўлчамли нилпотент L Лейбниц алгебраси берилган бўлсин. Агар $gr(L)_i:=L^i/L^{i+1}$, $1 \leq i \leq s–1$ ва $grL=gr(L)_1 \oplus gr(L)_2 \oplus \cdots \oplus gr(L)_{s-1}$ каби белгиласак, у ҳолда $[gr(L)_i, gr(L)_j] \subseteq gr(L)_{i+j}$ хоссани ва grL градуирланган алгебрани ҳосил қиламиз, бу ерда s – L алгебранинг нилиндекси.

4-таъриф. Юқоридаги кўринишда ҳосил қилинган градуировкага табиий усулдаги градуировка дейилади. Агар L Лейбниц алгебраси grL алгебрага изоморф бўлса, у ҳолда L алгебрага табиий усулда градуирланган Лейбниц алгебраси дейилади.

5-таъриф. Агар n ўлчамли L Лейбниц алгебраси учун $\dim L^i = n–i$, $2 \leq i \leq n$ шарт бажарилса, у ҳолда L алгебра филиформ Лейбниц алгебраси дейилади.

Маълумки, Ш.А.Аюпов ва Б.А.Омировларнинг ишларида ихтиёрий n ўлчамли филиформ Лейбниц алгебрасида шундай $\{e_1, e_2, \ldots, e_n\}$ базис топилиб, бу базисда алгебранинг кўпайтмасини қуйидаги учта кесишмайдиган синфлардан бирига келтириш мумкинлиги исботланган:

$F_1(\alpha_4, \alpha_5, ..., \alpha_n, \theta)$: $[e_1, e_1] = e_3$, $[e_i, e_1] = e_{i+1}$, $2 \leq i \leq n – 1$,
$[e_1, e_2] = \alpha_4 e_4+\alpha_5 e_5+ \ldots +\alpha_{n–1}e_{n–1}+\theta e_n$,
$[e_j, e_2] = \alpha_4 e_{j+2}+\alpha_5 e_{j+3}+ \ldots +\alpha_{n+2–j}e_n$, $2 \leq j \leq n – 2$,
$F_2(\beta_4, \beta_5, \ldots, \beta_n, \gamma)$: $[e_1, e_1] = e_3$, $[e_i, e_1] = e_{i+1}$, $3 \leq i \leq n – 1$,
$[e_1, e_2] = \beta_4 e_4+\beta_5 e_5+ \ldots +\beta_n e_n$, $[e_2, e_2] = \gamma e_n$,

$$\begin{array}{lll} & [e_j, e_2] = \beta_4 e_{j+2}+\beta_5 e_{j+3}+ \ldots +\beta_{n+2-j} e_n, & 3 \le j \le n-2, \\ F_3(\theta_1, \theta_2, \theta_3): & [e_i, e_1] = e_{i+1}, & 2 \le i \le n-1, \\ & [e_1, e_i] = -e_{i+1}, & 3 \le i \le n-1, \\ & [e_1, e_1] = \theta_1 e_n, \quad [e_1, e_2] = -e_3+\theta_2 e_n, & [e_2,e_2] = \theta_3 e_n, \\ & [e_2, e_j] = -[e_j, e_2] \in \{e_{j+2}, e_{j+3}, \ldots, e_n\}, \ \ 3 \le j \le n-2, & \\ & [e_i, e_j] = -[e_j, e_i] \in \{e_{i+j}, e_{i+j+1}, \ldots, e_n\}, \ 3 \le i \le [\frac{n}{2}], \ i \le j \le n-i, & \end{array}$$

бу ерда α_i, θ, β_i, $\gamma \in \mathbb{C}$ ва келтирилмаган кўпайтмалар нолга тенг.

Биринчи бобнинг учинчи параграфида табиий усулда ҳосил қилинган градуировкадан фарқли l-градуировка тушунчаси киритилган. Бунда l-градуировка тушунчаси филиформ Ли алгебралари учун Ф.Эчарте, М.Маркес ва Х.Нунесларнинг ишларида қаралганлигини эслатиб ўтиш жоиз.

6-таъриф. Айтайлик n ўлчамли L Лейбниц алгебранинг бирор $\{g_i\}_{i\ge1}$ градуировкаси берилган бўлиб, бу градуировкада L алгебрани агар $l > 2$ учун

$$L=g_1 \oplus \{0\} \oplus \cdots \oplus \{0\} \oplus g_l \oplus g_{l+1} \oplus \cdots \oplus g_{n+l-2},$$

кўринишда ёки агар $l = 2$ учун $L = g_1 \oplus g_2 \oplus \cdots \oplus g_n$ кўринишда ёйиш мумкин бўлса, у ҳолда L Лейбниц алгебрасига l-градуирланган алгебра дейилади, бу ерда барча i лар учун $\dim g_i \neq 0$.

7-таъриф. Агар L филиформ Лейбниц алгебраси l-градуировка берилган бўлса, у ҳолда L алгебрага l-градуирланган филиформ Лейбниц алгебраси дейилади.

Қуйидаги теоремаларда l-градуирланган Ли бўлмаган филиформ Лейбниц алгебраларининг таснифлари келтирилган.

1-теорема. $F_1(\alpha_4, \alpha_5, ..., \alpha_n, \theta)$ синфдан олинган ихтиёрий n ўлчамли l-градуирланган $(3 \le l \le n-2)$ филиформ Лейбниц алгебраси қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф бўлади:

$$\begin{array}{lll} L_1: & [x_i, x_1] = x_{i+1}, & 2 \le i \le n-1; \\ L_2(l): & [x_i, x_1] = x_{i+1}, & 2 \le i \le n-1, \\ & [x_i, x_2] = x_{i+l}, & 2 \le i \le n-l, \end{array}$$

бу ерда келтирилмаган кўпайтмалар нолга тенг, $\{x_1, x_2, \ldots, x_n\}$ – алгебраларнинг базислари.

2-теорема. $F_2(\beta_4, \beta_5, \ldots, \beta_n, \gamma)$ синфда l-градуирланган $(3 \le l \le n-2)$ филиформ Лейбниц алгебраси мавжуд эмас.

3-теорема. $F_3(\theta_1, \theta_2, \theta_3)$ синфда l-градуирланган $(3 \le l \le n-2)$ филиформ Лейбниц алгебраси мавжуд эмас.

Диссертациянинг «**Нилпотент Лейбниц алгебраларнинг ечимли кенгайтмалари**» деб номланган иккинчи бобида нилрадикаллари Абел алгебраси, алгебранинг квадрати бирга тенг, табиий усулда градуирланган p-филиформ Лейбниц алгебралари ва коўлчамлари минимал ва максимал бўлган ечимли Лейбниц алгебраларининг таснифларига бағишланган.

Нилрадикали N га тенг бўлган ечимли L Лейбниц алгебраси берилган бўлса, у ҳолда L Лейбниц алгебрани $L = N \oplus Q$ кўринишда ёзиш мумкин, бу ерда Q тўплам N нилрадикалнинг L алгебрагача тўлдирувчи қисм фазоси.

R(N, s) орқали нилрадикали N га тенг бўлган барча ечимли Лейбниц алгебралари оиласини белгилаймиз, бунда $\dim Q = s$.

Иккинчи бобнинг биринчи параграфида нилрадикали n ўлчамли a_n Абел алгебраси бўлган 2n ўлчамли ечимли Лейбниц алгебралари таснифланиб, уларнинг қаттиқлиги кўрсатилган.

Лейбниц айниятидан алгебранинг x элементи учун ўнгдан кўпайтириш оператори R_x дифференциаллаш бўлиши осонгина келиб чиқади. Лейбниц алгебраларининг бундай дифференциаллашларини *ички дифференциаллашлар* деб атаймиз. Агар Лейбниц алгебрасининг маркази тривиал ва барча дифференциаллашлари ички бўлса, у ҳолда бундай алгебрага *тўлиқ* алгебра дейилади.

Энди нилрадикали a_n Абел алгебраси бўлган 2n ўлчамли ечимли Лейбниц алгебраларининг таснифини келтирамиз. Маълумки, изоморфизм аниқлигида иккита икки ўлчамли ечимли Лейбниц алгебралари мавжуд:

$$l_2\colon [e, x] = e \text{ ва } r_2\colon [e, x] = e,\ [x, e] = -e.$$

4-теорема. R(a_n, n) оиладан олинган ихтиёрий алгебра n та тривиал бўлмаган икки ўлчамли ечимли Лейбниц алгебраларнинг тўғри йиғиндисидан иборат бўлади. Яъни R(a_n, n) дан олинган иҳтиёрий алгебра қуйидаги алгебрага изоморф:

$$L_t = \underbrace{l_2 \oplus l_2 \oplus \cdots \oplus l_2}_{t \text{ марта}} \oplus \underbrace{r_2 \oplus r_2 \oplus \cdots \oplus r_2}_{(n-t) \text{ марта}}$$

бу ерда t ($0 \leq t \leq n$) L_t алгебрада қатнашган l_2 алгебралар сони.

Изоҳ. R(a_k, k) оиладаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралар сони k+1 га тенг.

Айтайлик, L Лейбниц алгебраси ва унинг M тасвири берилган бўлиб, $n \geq 0$ учун қуйидаги белгилашларни киритамиз:

$$C^n(L,M) := \mathrm{Hom}(L^{\otimes n}, M) \text{ (агар } n < 0 \text{ бўлса, у ҳолда } C^n(L,M)=0).$$

Айтайлик $C^{\bullet}(L,M) := \bigoplus\limits_{n \in Z} C^n(L,M)$ бўлсин. $C^{\bullet}(L,M)$ тўплам элементлари қиймати M дан олинган L нинг козанжирлари, $C^n(L,M)$ тўплам элементлари эса даражаси n бўлган козанжирлар дейилади.

$d^n : C^n(L,M) \to C^{n+1}(L,M)$ – гомоморфизм қуйидагича аниқланган бўлсин:

$$(d^n f)(x_1,\ldots,x_{n+1}) := [x_1, f(x_2,\ldots,x_{n+1})] + \sum_{i=2}^{n+1} (-1)^i [f(x_1,\ldots, \widehat{x}_i, \ldots, x_{n+1}), x_i] +$$

$$+ \sum_{1 \leq i < j \leq n+1} (-1)^{j+1} (f(x_1,\ldots,x_{i-1},[x_i,x_j],x_{i+1}, \widehat{x}_i, \ldots, \ldots, x_{n+1}),$$

бу ерда $f \in C^n(L,M)$, $x_i \in L$ ва $\widehat{x}$ белги x элементнинг қатнашмаганлигини билдиради.

d^n операторнинг ядроси элементларини n-коцикллар ($\mathrm{Ker} d^n := ZL^n(L,M)$ билан белгилаймиз) ва d^{n+1} оператор образи элементларини n-кочегаралар ($\mathrm{Im} d^{n+1} := BL^n(L,M)$ билан белгилаймиз) деб атаймиз. $d^{n+1} \circ d^n = 0$ эканлигидан $BL^n(L,M) \subseteq ZL^n(L,M)$ ўринли бўлишини кўришимиз мумкин. Ушбу $HL^n(L,M) := ZL^n(L,M)/BL^n(L,M)$ фактор фазо қиймати M дан олинган L алгебранинг n-тартибли когомологик группаси дейилади.

8-таъриф. Агар L Лейбниц алгебраси учун $HL^2(L,L)=\{0\}$ бўлса, у ҳолда L Лейбниц алгебраси когомологик қаттиқ дейилади.

5-теорема. Барча t ($0 \le t \le n$) лар учун L_t алгебралар 2n ўлчамли Лейбниц алгебралари кўпхиллигида когомологик қаттиқ.

Иккинчи бобнинг иккинчи параграфида нилрадикали n ўлчамли a_n Абел алгебраси ва коўлчами s га тенг бўлган ечимли Лейбниц алгебраларига оид натижалар исботланган. Бундан ташқари, нилрадикалининг ўлчами n га тенг бўлган (2n–1) ўлчамли ечимли Лейбниц алгебралари таснифланган ва уларнинг орасида қаттиқ алгебралар топилган.

Қулайлик учун a_n алгебранинг базиси сифатида $\{e_1, e_2, ..., e_n\}$, Q фазода эса $\{x_1, x_2, ..., x_s\}$ оламиз.

6-теорема. $R(a_n, s)$ синфдан олинган ихтиёрий ечимли R Лейбниц алгебраси учун шундай базис мавжудки, бу базисда $R_{x_i|_{a_n}}$, $1 \le i \le s$ операторларни қўринишлари бир вақтнинг ўзида Жордан нормал шаклига келади.

6-Теоремага кўра, $R(a_n, s)$ синфдан олинган ечимли R Лейбниц алгебранинг кўпайтириш жадвали қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$\begin{cases} [e_t, x_i] = \lambda^i_{t,t} e_t + \lambda^i_{t,t+1} e_{t+1}, 1 \le t \le n-1, 1 \le i \le s, \\ [e_n, x_i] = \lambda^i_{n,n} e_n, \qquad 1 \le i \le s, \end{cases}$$

бу ерда $\lambda^i_{t,t}$ – $R_{x_i|_{a_n}}$ операторнинг хос қиймати ва $\lambda^i_{t,t+1} \in \{0,1\}$..

7-теорема. Айтайлик R – $R(a_n, s)$ синфдан олинган ечимли Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда қуйидаги муносабат ўринли:

$$n - s \ge m,$$

бу ерда m – қандайдир i учун $\lambda^i_{t,t+1} = 1$ бўладиган t лар сони.

Энди нилрадикали ўлчами n га тенг бўлган (2n–1) ўлчамли ечимли Лейбниц алгебралар таснифини келтирамиз. Маълумки, бундай ечимли Лейбниц алгебраларнинг нилрадикали ёки n ўлчамли Абел алгебраси ёки алгебранинг квадрати бир ўлчамли бўлган нилпотент Лейбниц алгебраларидан иборат бўлади. Нилрадикали n ўлчамли Абел алгебраси бўлган ҳоли Р.К.Гайбуллаев, А.Х.Худойбердиев ва К.Полларнинг ишларида тўлиқ таснифланган. Шунинг учун ушбу диссертация ишида нилрадикали алгебранинг квадрати бир ўлчамли бўлган n ўлчамли нилпотент Лейбниц алгебралари бўлган ҳоли қаралган.

Таъкидлаш жоизки, агар n = 2 бўлса, у ҳолда уч ўлчамли ечимли Лейбниц алгебрасига эга бўламиз, бундай алгебралар Х.Касас, М.Инсуа, М.Ладра ва С.Ладраларнинг ишларида ўрганилган, n = 3 бўлганда беш ўлчамли ечимли Лейбниц алгебралари ҳосил бўлади, бўндай алгебралар А.Х.Худойбердиев, И.С.Рахимов ва Ш.К.Саид-Хусаинлар томонидан таснифланган. Энди ихтиёрий n учун таснифни келтирамиз.

8-теорема. Айтайлик R – R(N, n–1) синфдан олинган ечимли алгебра бўлиб $\dim N^2 = 1$ шарт бажарилсин. У ҳолда R алгебра қуйидаги изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф бўлади:

$$L_1(\beta_2,\beta_3,\ldots,\beta_{n-1}):\begin{cases}[e_2,e_1]=e_n, & [e_1,e_2]=\beta_2 e_n, & [e_i,x_i]=e_i, & 1\le i\le n-1,\\ [e_n,x_1]=e_n, & [e_n,x_2]=e_n, & [x_1,e_1]=-e_1, & \\ [x_i,e_i]=\beta_i e_i, & [x_2,e_n]=\beta_2 e_n, & [x_1,e_n]=\beta_2 e_n, & 2\le i\le n-1,\end{cases}$$

$$L_2(\beta_2,\beta_3,\ldots,\beta_{n-1}):\begin{cases}[e_1,e_1]=e_n, & [e_i,x_i]=e_i, & [e_n,x_1]=2e_n, & 1\le i\le n-1,\\ [x_1,e_1]=-e_1, & [x_i,e_i]=\beta_i e_i, & & 2\le i\le n-1,\end{cases}$$

бу ерда $\beta_i \in \{-1, 0\}$ ва $\{e_1, e_2, \ldots, e_n, x_1, x_2, \ldots, x_{n-1}\}$ – алгебранинг базиси.

1-тасдиқ. $L_1(\beta_2, \beta_3, \ldots, \beta_{n-1})$ ва $L_2(\beta_2, \beta_3, \ldots, \beta_{n-1})$ алгебралар оиласининг ихтиёрий алгебраси тўлиқ.

9-теорема. Барча β_i лар учун $L_1(\beta_2, \beta_3, \ldots, \beta_{n-1})$ ва $L_2(\beta_2, \beta_3, \ldots, \beta_{n-1})$ оилалардан олинган ихтиёрий алгебра когомологик қаттиқ.

Иккинчи бобнинг учинчи, тўртинчи ва бешинчи параграфлари нилрадикали табиий усулда градуирланган p-филиформ бўлган ечимли Лейбниц алгебраларини таснифлашга бағишланган.

Бизга нилпотент L Лейбниц алгебраси берилган бўлиб, $x\in L\backslash L^2$ бўлсин. Ўнгдан кўпайтириш оператори R_x нинг Жордан катаклари ўлчамларининг камайиш тартибида тузилган $C(x)=(n_1, n_2, ..., n_k)$ кетма-кетликни қарайлик ва бундай кетма-кетликлар лексикографик тартиб ёрдамида таққослансин.

9-таъриф. Ушбу $C(L) = \max\limits_{x\in L\backslash L^2} C(x)$ кетма-кетликка L алгебранинг характеристик кетма-кетлиги дейилади.

10-таъриф. Агар L Лейбниц алгебранинг характеристик кетма-кетлиги $C(L)=(n-p,\underbrace{1,1,\ldots,1}_{\text{p-марта}})$ кўринишда бўлса, у ҳолда L алгебра p-филиформ Лейбниц алгебраси дейилади, бу ерда $p \ge 0$.

Ихтиёрий n ўлчамли табиий усулда градуирланган Ли бўлмаган p-филиформ ($n - p \ge 4$) Лейбниц алгебралари Л.М.Камачо, Х.Р.Гомес, А.Х.Гонсалес ва Б.А.Омировларнинг ишида таснифланган бўлиб, бундай алгебралар қуйидаги ўзаро изоморф бўлмаган алгебралардан бирига изоморф бўлади:

агар $p = 2k$ бўлса, у ҳолда

μ_1: $[e_i, e_1] = e_{i+1}$, $1 \le i \le n–2k–1$, $[e_1, f_j] = f_{k+j}$, $1 \le j \le k$,

μ_2: $[e_i, e_1] = e_{i+1}$, $1 \le i \le n–2k–1$, $[e_1, f_1] = e_2 + f_{k+1}$,
$[e_i, f_1] = e_{i+1}$, $2 \le i \le n–2k–1$, $[e_1, f_j] = f_{k+j}$, $2 \le j \le k$,

агар $p=2k+1$ бўлса, у ҳолда

μ_3: $[e_1, e_1] = e_3$, $[e_i, e_1] = e_{i+1}$, $2 \le i \le n–2k–1$,
$[e_1, f_j] = f_{k+j}$, $[e_2, f_j] = f_{k+j}$, $1 \le j \le k$,

бўлади, бу ерда $\{e_1, e_2, \ldots, e_{n–p}, f_1, f_2, \ldots, f_p\}$ алгебраларнинг базиси.

Энди нилрадикаллари μ_1, μ_2, μ_3 ва коўлчами экстремал (минимал ёки максимал) бўлган ечимли Лейбниц алгебраларнинг таснифларини келтирамиз. Қуйидаги теоремада μ_i, $i = 1, 2, 3$ алгбраларнинг коўлчамлари учун баҳолар келтирилган.

10-теорема. Айтайлик R – нилрадикаллари μ_i, $i = 1, 2, 3$ бўлган ечимли Лейбниц алгебраси бўлсин. У ҳолда нилрадикалларнинг коўлчамлари қуйидаги тенгсизликни қаноатлантиради:

$$\dim Q(\mu_i) \le k+2\left[\frac{i}{3}\right].$$

